

ҚАШҚАДАРЁДА МИЛЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ ТИЗИМ ЯРАТИЛИБ, САНОАТ РИВОЖЛАНИШИ ЯНАДА ЮКСАЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев пандемия шароитига қарамай, иқтисодиётни тиклаш ва ривожлантириш, одамлар ҳаётини яхшилаш борасидаги ишлар билан танишиш мақсадида 12 ноябрь куни Қашқадарёга келди.



Давлат раҳбари вилоятга сафарини Шаҳрисабз туманидаги “Qoqsaroy Vortex” масъулияти чекланган жамиятда синтетик аралашмали ип ва мато ишлаб чиқариш жараёни билан танишишдан бошлади.

Бу ерда “Qoqsaroy Group” компанияси таркибига кирувчи “Qoqsaroy Textile” ва “Qoqsaroy Vortex” корхоналарини ташкил этилган бўлиб, уларда умумий қиймати 54 миллион долларлик 3 та лойиҳани босқичма-босқич амалга ошириш белгиланган эди. Бунинг натижасида бу қўрсаткич 8 миллион АҚШ долларлик тўқимачилик маҳсулотларини экспорт қилиш кўзда тутилган.

Биринчи босқичда 2014 йили “NBU инвест” компаниясидан “Qoqsaroy Textile” корхонасининг 21 миллион АҚШ долларлик 100 физ ўлуши сотиб олиниб, модернизация ишлари натижасида бу ерда йилга 9 минг тонна калава ип, 4 минг тонна трикотаж мато ишлаб чиқариш йўлга қўйилган эди.

Ушбу корхонада ўтган йили 6 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинган бўлса, жорий йилнинг ўтган даврида бу қўрсаткич 8 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Иккинчи босқичда шу йил октябрь ойида “Qoqsaroy Vortex” корхонаси фаолият бошлаб, сунъий ва табиий толадан калава ип ва трикотаж мато ишлаб чиқариш лойиҳаси ишга туширилди. Лойиҳа қиймати — 15 миллион АҚШ долларига тенг бўлиб, йилга 3 минг тонна калава ип, 5,5 минг тонна сунъий толали ип, 3,5 минг тонна трикотаж мато ишлаб чиқариш қувватига эга. Экспорт ҳажми йилга 7 миллион АҚШ долларини ташкил этади.

Учинчи босқичда ушбу корхоналар ёнида яна битта тўқимачилик фабрикаси барпо этилиб, калава ип ва трикотаж мато ишлаб чиқаришни кенгайтириш режалаштирилган. Қиймати 18 миллион АҚШ долларига бўлган бу лойиҳа натижасида йилга 7 минг тонна калава ип, 2,1 минг тонна трикотаж мато ишлаб чиқаришга эришилди. Келаси йил ишга тушадиган лойиҳа натижасида 700 та янги иш ўрни яратилади.

Президент корхонадаги ишлаб чиқариш жараёнини, калава ип ва тайёр мато намуналарини кўздан кечирди.

Корхонанинг аънавий ип-йигирув фабрикаларидан асосий фарқи — бу ерда Япониянинг “Miratec” компаниясида ишлаб чиқарилган “Vortex” технологик ускуналарни ўрнатилган. Мазкур технологиянинг афзаллиги калава ип тўқилаётганда тола марказлашган аэродинамик ҳаво босими орқали ўтказилади. Натижада ипнинг тўқдорлиги камаъди, сифати ортади.

Давлатимиз раҳбари соҳанинг иқтисодий жиҳатига эътибор қаратди. Шу нуктаи назардан, тўқимачилик саноатига оид лойиҳаларни уч йўналишда ташкил этиш кераклигини таъкидлади.

Биринчидан, Қашқадарёнинг пахта етиштирилаётган саккизта туманида “Qoqsaroy Vortex” намунасидаги тўқимачилик корхоналарини ташкил этиш, уларни барпо этишда арзон конструкторияли материаллардан

фойдаланиш бўйича топшириқ берилди.

— Иккинчидан, барча кластерларни кооперация қилиб, сунъий тола ишлаб чиқариш бўйича битта алоҳида лойиҳа қилиш керак. Учинчидан, ёғочдан табиий тола — вискоза ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш лозим, — деди Президент.

— Бу миллий-иқтисодий тизим бўлади. Мана шу билан биз Қашқадарё вилоятини тўқимачилик лойиҳалари билан тўла камраб оламиз. Таннархни арзон қилиб, саккизта корхонани ишга туширсак, қўшимча қиймат билан кўплаб иш жойлари яратишга эришамиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Хом ашёдан — тайёр маҳсулотгача таъминли асосида вилоятда тўқимачилик саноатини ривожлантириш, бунинг учун танкили хорижий брендларни жалб этиш, кластерлар фаолиятини таҳлил этиб бориш юзасидан вазифалар белгиланди.

Тошкент шаҳри ва вилоят ҳудудидан ўн гектар ер ажратиб, “Qoqsaroy Group” компанияси негизида тўқимачилик технопарки ташкил этиш ва маҳсулотларнинг онлайн савдосини йўлга қўйиш кераклиги таъкидланди.

Ўзбекистондаги барча текстиль ишлаб чиқарувчилар бир жойга жамланганидан мазкур технопаркда уларнинг дўконлари ва омборлари бўлади. Технопарк, биринчи навбатда, ишлаб чиқарувчиларга экспорт масаласига қўмақлашади.

Шу ернинг ўзига Қашқадарё вилоятида 2020 — 2022 йилларда амалга ошириладиган инвестиция режалари, пахта толасини қайта ишлаш даражасини ошириш, озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича лойиҳалар тақдиримоти ўтказилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Қарши шаҳридаги Давлат хизматлари маркази ва IT-технопарк фаолиятини кўздан кечирди.

Айни пайт Давлат хизматлари маркази орқали аҳолига 140 дан зиёд хизматлар кўрсатилямоқда. Бу ерда электрон навабт тизими жорий қилинган, махсус инфокиослар, электрон аукционда иштирок этиш учун махсус жой, инвесторлар ва тадбиркорлар билан бизнес-учрашувлар ўтказишга мўлжалланган хона мавжуд. Шунингдек, анжуман ва семинарлар учун конференц зал, буфет, кутубхона ва болалар майдончаси ташкил этилган.

Тўловларни амалга ошириш учун банк қассаси, банкоматлар ишлаб турибди. Бу ерда яна нотариус, ФХДЁ бўлими, суғурта ташкилоти филиаллари фаолият кўрсатади. Халқ қабулхонаси ва Бош вазир қабулхонасида фуқароларнинг шикоятлари қўриб чиқилади.

Бундан ташқари, Тошкентда синов тарзида йўлга қўйилган “Surdo-online” платформаси илк бор Қарши шаҳрида ишлатилди. Ушбу тизим имконияти чекланган шахсларга давлат хизматларидан чекланмаган тарзда, қулай ва тезкор фойдаланишда ёрдам беради. Ушбу платформа орқали сурдо таржмонлик

мутахассислигига эга ёшлар иш билан танишди.

Ушбу марказ орқали бугунга қадар 300 мингдан зиёд давлат хизматлари кўрсатилган бўлиб, 2 мингга яқини филиаллар орқали, мингга яқини эса сайёр тарзда амалга оширилди. Бир кунда муассаса ходимлари 700 — 800 нафар фуқароларга хизмат кўрсатади. Тезкор интернет, замонавий техник воситалар ва кутиш зали фуқароларга қулай давлат хизматларини тақдим этишга мўлжалланган.

Президент марказдаги шароит билан танишди. Одамлар талабидан келиб чиқиб, янги хизмат турларини йўлга қўйиш, аҳолига қулайлик яратиш бўйича топшириқлар берди. Хусусан, Қарши шаҳридаги маҳаллаларда давлат хизматларини ташкил этиш кераклиги алоҳида таъкидланди.

— Одамлар бу марказга эмас, аксинча марказ маҳаллаларга кириб бориб давлат хизматларини жойида кўрсатсин. Шунда бу марказларни ташкил этишдан қўзлаган мақсадга эришилади, қайси соҳаларда хизматларга эҳтиёж борлиги аён бўлади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Бугунги кунда IT-технопаркда 15 нафар ёш веб-дизайнер, дастурчи ва робототехник фаолият бошлаган. “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доирасида ёш дастурчиларни тайёрлаш курслари ташкил этилгани натижасида аж-борот технологияларга қизиқувчи ёшларга дастурий маҳсулотлар яратишда қулайлик яратилди.

Илк ютуқлар ҳам эришилди. Талабалар ўртасида ўтказилган “mGovAward” энг яхши давлат мобил иловасини ишлаб чиқиш бўйича танловда қашқадарёлик ёшлар жамоаси ғолиб бўлди. Улар яратган чет тиллари масофавий ўқитиш мобил иловасини тақомиллаштириш учун 50 минг АҚШ доллари мукофот ажратилди.

Президентимиз технопаркда ёшларга қулай муҳит яратиш, бу ерга келадиган ёшлар сафини кенгайтириш бўйича тақлифлар берди. Вилоятдаги олий таълим муассасалари ва IT-технопарклар ўртасида ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш бўйича вазифалар белгиланди.

Давлатимиз раҳбари Қарши шаҳрида қашқадарёлик ўқитувчи ва мураббийлар, тиббиёт ходимлари билан суҳбатлашди.

Маълумки, 30 октябрь куни таълим тарбия тизимини тақомиллаштириш, 6 ноябрда эса соғлиқни сақлашнинг бирлашми бугинини тубдан ўзгартириш масалалари юзасидан видеоинтервью йиғилишлари ўтказилган эди. Бу икки соҳа бўйича Президентнинг алоҳида Фармон ва қарори ҳам қабул қилинди.

Учрашувда таълим ва тиббиёт соҳаларидаги ислохотларнинг аҳамияти, жойларда амалга ошириш чоралари ҳақида сўз борди.

— Бу икки соҳани ривожлантирмасдан туриб рақобатбардош мамлакат бўла олмаймиз. Келажакни соғлом миллат, билимли авлод куради, — деди Шавкат Мирзиёев.

Қайд этиш жоизки, Қашқадарёда мактаблар аҳоли ҳам, тиббий хизмат сифати ҳам қониқарсиз. Муаммолар жуда кўп. Ота-оналар таълим тизимидан норози. Аксарият аҳолининг турмуш тарзи, овқатланиш раъдонини тўғри эмас. Шу боис бу соҳаларда бошланган ислохотлар вилоят учун ўта муҳим ва зарур.

Шавкат Мирзиёев бу борадаги янги иш тизимидан мақсади, педагог ва шифокорлардан кутаётганлари ҳақида кўнглидаги гапларни айтди. Мактаб директорлари, ўқитувчилар, тиббиёт ходимларининг фикр-мулоҳазаларини эшитиб, тақлифларини қўллаб-қувватлади.

— Таълимдаги ишлар ҳам, тиббиётдаги ҳам игна билан қудуқ қазишдек гап, натижаси тез кўринмайди. Бунинг учун машаққатли меҳнат, катта фидойилик керак. Бошланган ислохотларнинг амалга ошиши, халқимизнинг рози бўлиши шунга боғлиқ. Бу йўлда сизларга ишонманам, сўзнаман, — деди Президент.

Президент Шавкат Мирзиёев Қарши шаҳрида очилган Корхоналарни соғломлаштириш ва хусусийлаштириш клиникасини бориб кўрди.

Иқтисодиётда давлат иштирокчини қисқартириш ва рақобатни ривожлантириш — сифат, унумдорлик ва тараққиётнинг муҳим омилли. Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 27 октябрь куни қабул қилинган “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислох қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат ақилварини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони шу мақсадга қаратилган.

Ушбу масала бўйича 28 октябрь куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбари бу борада аҳолига батафсил маълумот берадиган масалахат клиникалари ҳамда Call-марказ ташкил этиш зарурлигини таъкидлаган эди. Шунга мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятларда Корхоналарни соғломлаштириш ва хусусийлаштириш клиникалари очилди. Шунингдек, куну тун ишлайдиган “1082” рақамли Call-марказ йўлга қўйилди.

Мазкур клиникалар Давлат активларини бошқариш агентлиги ва унинг ҳудудий органлари томонидан бошқарилади. Уларнинг фаолиятида Савдо-саноат палатаси, Бош вазир қабулхонаси, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг ҳудудий бошқармалари ва ҳокимлик вакиллари доимий иштирок этади. Бундан ташқари, сўровга асосан бошқа вазирлик ва идоралар, тижорат банклари ходимлари ҳам жалб этилиши мумкин.

Қарши шаҳридаги бундай клиникада иқтисодий-молиявий ва юридик масалалар бериш, информацияни хизматлар кўрсатиш учун барча шароит яратилган. Малакали мутахассислар бериқрилиб, инфокиослар ўрнатилган. Бу ерда хусусийлаштиришга қўйилган объектлар, уларнинг манзили, ҳолати, соҳадаги тартиб-қоидалар ҳақида батафсил маълумот олиш мумкин.

Клиника биносига Қашқадарёдаги йирик корхоналар ва тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг доимий кўргазмаси ҳам ташкил этилган. Мажлислар зали, музокара хоналари, экспортчилар уюшмаси ва ўқув марказлари жойлаштирилган.

— Хусусийлаштириш — қўшимча қиймат ва ишчи жойлар яратадиган муҳим масала. Ҳар бир объектнинг эгасини топиб, ишни йўлга қўйиб юбориш керак. Бу эса тадбиркорга имконият, маҳаллий бюджетга тушум, — деди давлат раҳбари.

Шу ерда Шаҳрисабз, Ғузор, Нишон ва Деҳқонобод туманларини ривожлантиришнинг “ўсиш нукталари” бўйича тақдимот ўтказилди.

Масалан, 2015 йилда Нишон тумани маҳаллий бюджетидан умуман маблағ қолмас эди. Ҳокимларга қўшимча маблағлар тушириш ва ишлатиш имконияти берилгач, ушбу ҳудуд иқтисодиёти ҳам ривожлана бошлади. Жорий йилнинг 9 ойида Нишон тумани бюджетига 6 миллиард сўм қўшимча маблағ тушди. Тўртинчи чорақда яна 4 миллиард бўлиши кутилмоқда.

Давлатимиз раҳбари шу тизимда ишларни давом эттириб, ҳар бир ҳудуднинг “ўсиш нукталари”ни ишга солиб, қўшимча маблағлар ҳисобидан ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш, уйлар, йўллар қуриш, кам таъминланган оила-ларга қўмақлашиш зарурлигини таъкидлади.

Президент Шавкат Мирзиёев Қарши шаҳридаги Ёшлар марказида бўлиб, шароитларни кўздан кечирди.

Шу ерда қашқадарёлик ёшлар билан учрашув ўтказилди.

— Мен сизларнинг кўзларингизга қараб, очик мулоқот қилгани келдим. Ҳамма ёшлар билан кўришсини хоҳлардим, лекин, афсуски, бунинг илоҳи йўқ. Сиз уларнинг вакиллари ўрнида жойлардаги муаммоларни, ёшлар истакларини айтишингизни истардим. Шунинг учун кўрмасдан, ўз ота-оналарингизга нима дейишни хоҳласаларинг, ҳамма фикрларингиз бемалол айтинглар, — деди давлат раҳбари.

Учрашувда ёшлар муаммоларини ҳал қилиш, бандлигини таъминлаш, бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича очик мулоқот бўлди.

Қашқадарё вилоятида 26 мингдан зиёд ёшлар ишсиз, тадбиркорлик ривожини мамлакатдаги ўртача кўрсаткичдан анча пастда экани қайд этилди.

Йигит-қизларнинг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, “Ёшлар — келажагимиз” Давлат дастури доирасида йиллик режага қўшимча маблағ ажратиш зарурлиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари мубораклик ёшларнинг тақлифини қаноатлантириб, туманда IT-парк ташкил этиш, электрон тижорат ва дастурлаш кўникмаларини беғул ўргатиш юзасидан мутасаддиларга топшириқ берди.

Китоб туманидаги 150 ўринли Бола-лар мусика ва санъат мактабида 310 нафар ўқувчи таҳсил олмақда. Мазкур муассаса ўқувчилари учун етарли шароит яратиш вазифаси қўйилди.

Вилоят ёшларининг спортга қизиқ-шини инобатга олиб, мактабларда спорт заллари қуриш, мажмуаларда тўғрақ-ларни қўлайтириш зарурлиги айтилди. Инвентарлар ва анжомлар сотиб олиш учун Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳисобидан 10 миллиард сўм ажратишга қўрсатма берилди.

Ўқинда Сербияда бўлиб ўтган самбо бўйича жаҳон чемпионатида олтин медални қўлга киритган Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети талабаси Мушарраф Ибодуллаева давлат гранти асосида ўқишга ўтказиладиган бўлди.

Учрашувда турли соҳаларда ўқиётган ва ишлаётган ёшларнинг фикрлари эшитилди. Тақлифлари маъқуллашиб, мутасаддиларга тегишли топшириқлар берилди.

— Мендан энг катта мақсад-муддаонинг, бахтинг нима, деб сўрасаларинг, шундай деган бўлардим: ёшларимизнинг дунё-қарабини жаҳон даражасига кўтариш, ишли қилиш, гурури-ифтихорини юксалтириш, оилавий бахтини кўриш, — дея таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Қашқадарё вилоятга таширифи давом этмоқда.

«Халқ сўзи» учун махсус

ЎЗБЕКИСТОН ИЛГАРИ СУРГАН ТАШАББУСЛАР УМУМИЙ МАҚСАД ЙЎЛИДА ЖИПСЛАШИШДА МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 10 ноябрь куни бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари кенгаши мажлисидаги нутқи халқроқ ҳамжамият, хусусан, ҳинд сиёсатшунослари, жамоат ва давлат арбоблари томонидан қўқур таҳлил қилинмоқда.

Ҳиндистон вакиллари “Дунё” АА муҳбирига берган интервьюларида давлатимиз раҳбари нутқида минтақа ҳамда ШХТ ҳудудидаги мамлакатлар хавфсизлиги, тараққиёти учун долзарб бўлган ташаббуслар билдирилганини қайд этди.

Ашок Сажжанхар, Глобал тадқиқотлар институти президенти, Ҳиндистоннинг Козогистон, Швеция ва Латвиядаги собиқ элчиси:

— 10 ноябрь куни бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти давлат раҳбарлари саммитини алоҳида эътибор билан қузнатдим. Бутун дунёда давом этаётган пандемия шароитида видео-конференция форматида уюштирилган олий даражадаги саммитда бугунги кунда инсоният олдида турган дол-

зарб масалалар бўйича фикр алмашилди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ўз чиқишида минтақа ва жаҳон ҳамжамияти олдида турган энг муҳим муаммоларга эътибор қаратиб ҳамда уларни ҳал қилиш бўйича амалий тақлифлар тақдим этди. Хусусан, мамлакатлар дуч келадиган иқтисодий ин-кирозни самарали ҳал қилиш учун ШХТга аъзо давлатлар ўртасида иқтисодиёт соҳаси-даги алоқаларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш масала-рига алоҳида тўхталиб ўтди.

ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИ — ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Кеча Ўзбекистон Республикаси Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссияси ташаббуси билан мамлакатимизда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасида олиб бориладиган ишларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда Олий Махлис Сенати Раиси, Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссия раиси Танзила Норбоева иштирок этди.

Гендер тенглик

Анжуманда Бандлик ва меҳнат муносабатлари, Соғ-лиқни сақлаш, Ички ишлар, Олий ва ўрта махсус таъ-лим, Халқ таълими вазир-ликлари вакиллари ҳамда Дин ишлари бўйича қўмита мутасаддилари қатнашди.

Янгиланаётган Ўзбекистон ислохотлари инсон манфа-атлари устунилигини таъмин-лаш баробарида жамиятда хотин-қизлар макъенини оши-риш, уларнинг ҳуқуқ ҳамда имкониятларини устувор қад-риятлардан бири сифатида ҳимоя қилишга қаратилган.

Фискал институт: УЧИНЧИ РЕНЕССАНСНИНГ ТАМАЛ ТОШИ

Сармоя тикиш ҳам санъат. Масалан, бизнесда! Бунинг учун энг сердаромад ва истикболли соҳалар танланиши бежиз эмас. Чунки тадбиркорликда асосий мақсад мўмай даромад олиш. Шунда капиталнингиз катта фойда келтириши мумкин. Мазкур жараёни давлатлар, ҳукуматлар миқёсида таҳлил қилсак, энди мақсадлар ортида даромад эмас, эл-юрт манфаати устуворлиги аён бўлади. Шу тарика келажакка сармоя тикилади. Бунинг энг мақбул ва оқилона йўли эса таълимга инвестиция қилиш! Зеро, инсон капиталига йўналтириладиган сармоялар доимо юқори наф келтирган.

Таҳлил

Президентимиз ўқувчи ва мураббийлар қўнига бағишлан-ган тантанали маросимда Ўзбекистонда янги Ўйғониш даври, яъни учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш асосий мақсад қилиб белгиланганини бежиз таъкидламади. Негаки, ҳадиси шарифда айтилганидек, “Илмдан бошқа нажот йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас”. Бу ҳаётий ҳақиқат қундалик ама-



Матназар ЭЛМУРДОВ,
Абдулазиз МУСАЕВ,
Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Ўза Мухбирлари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.

«АХОЛИНИНГ СОҒЛОМ ОВҚАТЛАНИШНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРИГА МУВОФИҚ,



2021 йил 1 июндан бошлаб:

6-23 ойлик болалар учун уй шароитида тайёрланган овқатларни бойитиш мақсадида **микронутриент кукун**и билан;

6 ойликдан 5 ёшгача бўлган болалар **“А” витамини** билан;

2-10 ёшдаги болалар **гельминтоз профилактикаси** бўйича махсус препаратлар билан **БЕПУЛ ТАЪМИНЛАНАДИ.**

2022 йил 1 июлдан бошлаб:

ҳомиладор ва бола эмизувчи аёллар ҳамда 3-15 ёшдаги болалар **йод препарати** билан;

35 ёшгача туғиш ёшидаги аёллар **темир ва фоллий кислотаси** препарати билан **БЕПУЛ ТАЪМИНЛАНАДИ.**

■ Анжуман

Кеча Марказий сайлов комиссияси томонидан БМТнинг Тараққиёт дастури ҳамкорлигида Ўзбекистонда 2019 йили бўлиб ўтган парламент сайловлари натижаларини онлайн муҳокама қилиш ва миллий сайлов қонунчилиги ҳамда амалиётини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларни белгилашга қаратилган анжуман ўтказилди.

Миллий сайлов қонунчилигини такомиллаштиришнинг замонавий тенденциялари

Ведеоконференцалоқа шаклида ташкил этилган тадбирда тегишли вазирлик ва идоралар, нодавлат но-тихорат ташкилотлари ва-киллари, депутатлар, ҳуду-дий сайлов комиссиялари котиблари, халқро экспортлар ҳамда журна-листлар қатнашди.

Унда Марказий сай-лов комиссияси раиси М. Абдусаломов, Олий Мажлис Қонунчилик палата-си Спикерининг биринчи ўринбосари А. Саидов сўзга чиқиб, ўтган йилнинг 22 де-кабрь кун

Гадарский 2019 йилда бўлган сайловлар халқро стандартлар ҳамда халқ-ро ҳужжатларда белги-ланган меъёрларга муво-фиқ ўтганлигини, сайловда кузатувчилар сони ортган-лиги ва миллий кузатувчи-лар институт

Ўз навбатида, эксперт-лар сиёсий молиялаштириш қоидаларига ўхшатиб, унинг асосий тушунчалари, сайловларга хусусий сектор маблагларини жалб қилиш бўйича илгор тажриба, сай-ловларда маблагларнинг харажати ва шаффофлиги, сайлов харажатлари юзаси-дан ҳисобдорлик ҳамда унга амал қилиш устидан назо-ратни ташкил этиш бўйича халқро стандартлар ҳақида сўз юритди.

Тадбир қатнашчилари ўз маърузаларида сайлов ко-миссияларини тузишда фуқаролик жамияти институ-ларини иштироки кенгайгани-ли, сайловларда фуқаролик жамияти ўрни юксалиб бо-раётганлиги, ННТ иштироки-ни янада ривожлантириш за-рурлиги ҳақида ҳам ўз фикр-ларини билдирди.

Жумладан, ногиронлиги бўлган сайловчиларга кенг имкониятлар яратилган. Ху-сусан, овоз бериш бино-ларига тўсиқсиз кириб бо-риши учун шaroитлар, мах-сус кабионалар, Брайл алиф-босида сайлов бюллетен-лари, телевидениеда сурдо таржималар йўлга қўйилган.

Шу билан бирга, омма-вий ахборот воситалари-нинг сайловлардаги роли-ни ошириш мақсадида ОАВ ва жамоатчилик назорати-ни кучайтириш, сайлов ко-миссияси аъзолари ҳамда журналистлар учун сайлов қонунчилиги бўйича тизим-ий ўқувлар ташкил этили-ши сайловларнинг адолат-ли, шаффоф ва қонунчили-ка белгиланганидек демо-кратик тарзда ўтказилиши-га ёрдам бериши хусусида фикр-мулоҳазалар билди-рилди. Бу келгусида замо-навий тенденцияларни ино-батга олган ҳолда миллий сайлов қонунчилиги ҳамда амалиётини янада демо-кратлаштириш, сайлов ти-зимини халқро стандарт-лар ва илгор хорижий та-жрибага мувофиқ ривожлан-тиришга хизмат қилиши таъкидланди.

Шунингдек, БМТ Тарақ-қиёт дастурининг ННТ со-ҳаси бўйича маслаҳатчиси Гевин Вайз, БМТ Тарақ-қиёт дастурининг сиёсий партияларни молиялашти-риш соҳаси бўйича масла-ҳатчиси Барбара Стоунстрит ва халқро эксперт Иван

Раҳим ШЕРҚУЛОВ
(«Халқ сўзи»).

САЛОМАТЛИК — ХАЛҚИМИЗНИНГ БЕБАҲО БОЙЛИГИ

Президентимизнинг Тиббиёт ходимлари куни муносабати билан соҳа вакилларига йўллаган табригида халқимизни ҳар томонлама рози қилишдек улғу мақсадга эришиш йўлида соғлиқни сақлаш тизимини жадал ривожлантиришга биринчи даражали аҳамият қаратилаётгани алоҳида таъкидланди.

■ Тиббиёт

Дарҳақиқат, коронавирус пандемияси туфайли бугун бу-тун Ер юзи фавқулодда сино-вдан ўтиб, одамларнинг давлат-дан розилиги, эртанги кунга ишончи тиббий хизматнинг сифати орқали мустаҳкам-ланмоқда.

Мамлакатимизда коронави-рус пандемиясини яшилваш ва даволашдаги самарадорлик шунчаки омад ёки тасодиф эмас, балки республика соғлиқни сақлаш тизимида ке-чан ислохотлар ҳамда умум-миллий дастурларнинг натижа-сидир. Мазкур янгиланишлар Навоий вилоятида ҳам соҳага имконият эшикларини янада кенгроқ очиб, вилоят ва туман марказлари, олис-яқин қишлоқ-ларда қад ростлаган шифо масканлари замон талабига мос даволаш ҳамда диагнос-тика технологиялари билан жи-ҳозланмоқда.

Бунчи Кармана тумани тиб-биёт бирлашмаси мисолида ҳам кўриш мумкин. Бирлашма-нинг марказий шифохонасига ўтган асрнинг эллигинчи йил-ларида асос солинган бўлиб, қарийб етмиш йил фаолият

юритган муассасасани замона-вий технологиялар билан жи-ҳозлаш иншоотлар ноқорлиги ва шaroитлар талабга жавоб бермаслиги туфайли ҳар са-фар кейинги сурилар эди.

Нихоят 2017-2018 йилларда шифохона тўлиқ янгидан қури-либ, фойдаланишга топширил-ди. Қўп тармоқли марказий по-ликлиника, қабул ва тез ёрдам бўлими, туғруқхона, болалар бўлими, чакалоқларни интенсив даволаш хоналари, жарроҳлик ҳамда реанимация бўлимлари босқичма-босқич замон тала-бидоғи тиббий технологиялар билан таъминланди.

— Мазкур муассасалар ишга туширилгунга қадар туманимиз аҳолиси, асосан, вилоят мар-казидаги шифохоналар ёки Навоий кон металлургия ком-бинати тасаруфидоғида тиббий санитария қисмига мурожаат этишарди, — дейди туман тиб-биёт бирлашмаси бошлиғининг даволаш ишлари бўйича ўрин-босари Исомиддин Нодиров. — Ва албатта, бу, бир қатор қи-янчиликлар туғдирарди.

“Шифо — илҳосдан”, дейди халқимиз. Табиийки, илҳос ши-

фокор салоҳияти ва шифохона имкониятига қараб шакллан-ди. Шу жиҳатдан олганда, Кармана тумани тиббиёт бир-лашмаси коронавир

— Кучайтирилган карантин чоралари туфайли вилоятимиз марказидаги қўп тармоқли ши-фохона, болалар шифохонаси, эндокринология маркази ва ту-ғруқхона каби тиббиёт муас-сасалари фаолиятини вақтин-ча тўхтатиш ёки коронавир

Бирлашманинг туғуруқ бўлими 1 ноябрдан бошлаб тўлиқ тиббий жиҳозлар билан таъминланган ҳолда, коронави-рус инфекцияси юқтирган ҳоми-ладор аёлларни даволайдиган ихтисослаштирилган госпиталга айлантирилди.

Темур ЭШБОЕВ
(«Халқ сўзи»).

фокор салоҳияти ва шифохона имкониятига қараб шакллан-ди. Шу жиҳатдан олганда, Кармана тумани тиббиёт бир-лашмаси коронавир

— Кучайтирилган карантин чоралари туфайли вилоятимиз марказидаги қўп тармоқли ши-фохона, болалар шифохонаси, эндокринология маркази ва ту-ғруқхона каби тиббиёт муас-сасалари фаолиятини вақтин-ча тўхтатиш ёки коронавир

Бундан ташқари, фуқаро-ларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида, меҳнат жамоа-ларида, таълим муассасала-рида аҳоли, жумладан, ёшлар ва хотин-қизлар иштирокида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, эрта ҳамда қариндошлар ўртасидаги ниҳоқ оқибатлари, болаларни парва-ришлаш, ОИТС ва бошқа хавфли касалликларнинг олди-ни олиш мавзуларида муло-қот ҳамда давра суҳбатлари мунтазам ўтказилмоқда.

Темур ЭШБОЕВ
(«Халқ сўзи»).

«ЧАРМ ТЎП — 2020» ҒОЛИБИ АНИҚЛАНДИ

Республикаимиз миқёсида 15-16 ёшли маҳалла болалари ўртасида футбол бўйича ўтказилган “Чарм топ — 2020” мусобақалари якунланди.

Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон футбол ассоциацияси ҳамда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги томонидан ташкил этилган ушбу мусобақа мамлакатимизда футболни ривожлантириш, болалар ҳамда ўсмирлар ўртасида ушбу спорт турини янада оммалаштиришга хизмат қилмоқда.

■ Мусобақа

Маҳаллаларда бошланган беллашувлар туман, сўнг вилоят марказларида давом этди. Мусобақанинг ҳудудий босқичларида ғолиб бўлган 14 та жамоа эса республика финал босқичига йўлланмани қўлга киритди.

“Миллий” стадионда бўлиб ўтган,

қандай имконият қолдирмай, мусобақа чем-пионига айланди.

— Футбол байрами маҳаллаларда вояга етаётган ёш авлоднинг спортга кенг жалб қилиш ҳамда уларнинг бўш вақтларини маз-мунли ташкил этишга қаратилгани билан аҳамиятли бўлди, — дейди Маҳалла ва оила-ни қўллаб-қувватлаш вазирлиги бошқарма бошлиғи Тўғрўн Қўриғзобоев. — Муҳими, бел-лашувлар карантин қоидаларига қатъий риоя қилган ҳолда ташкил этилди.

Шунингдек, мусобақа иштирокчилари учун пойтахтдаги “Ғалаба боғи”, “Шон-ша-раф музейи” ҳамда “Tashkent city”га саё-ҳат уюштирилди.

Якунда ғолиб ва совриндорлар қиммат-баҳо совғалар билан тақдирланди.

Дилрўх ИСОМИДИНОВА
(«Халқ сўзи»).

ИНСОФГА КЕЛИШНИНГ ФУРСАТИ ЕТМАДИМИ? Яна тўйлар ҳақида...

Орзу-ҳаваси қўп халқмиз. Удумлари гўзал, ор-номусли миллатмиз. Халқимизда “ҳаммани тўйга етказсин”, деган қиройили ибора бор. Албатта, элимизда тўйлар, шоду хуррамликда ўтадиган кунлар кўпайсин, ҳаммамизни тўйга етказсин. Асосийси, тўй қувончи воқеадек ўтсин, исрофгарчиликка сабаб бўлмасин.

■ Мушоҳада

Кейинги йилларда тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, турли маърака ва маросимлар ўтказишнинг тартибга солиш бўйича қонунчиликка тегишли ўзгартiriшлар киритилиб, қатъий маъмурий чоралар белгиланди. Асосий эътибор тўй-маъракалардаги киммўзар пойғалару исрофгарчилик-ларнинг олдини олишга қаратилди.

Тўғри, пандемия сабабли ноўрин муҳокамалар ва эътирозлар, ҳар хил тортишувларга барҳам берилди. Сино-вли кунлар йўғин ҳамда тўйларни ҳам чеклашга мажбур қилди. Бугун маросимлар камтарона, ортиқча даб-дабасиз ўтказилиши лозимлигини ҳамма билади. Махсус комиссия

сир эмас. Бунга айрим пул топиб, ақл топмаган кишилар дабдабали тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар ўтказишдан ўзини тийишчи иста-маётгани ҳам сабаб бўлаётир. Ма-салан, шу кунларда ҳам тартиб-қоидага амал қилмасдан, таниш-би-лиши, қариндош-уруғи қўлигини ба-хона қилиб, тўйни 50 — 60, ҳатто 100 дан зиёд кишилар билан ўтка-заётганлар оз эмас. Бу ҳақда ҳар кун ижтимоий тармоқларда нимага-дир кўзимиз тушади, нимадир ўқий-миз, эшитамиз. Ачинарлиси, тўй-ма-росимдан кейин вирус юқтирганлар сони янада ортмоқда.

Албатта, тўйларнинг қатталаш-ишга қандай омиллар таъсир этаётганини ўйлаб кўришимиз ке-рак. Маълумотларга кўра, тўйхона-лар 30 кишилик тўй ўтказиш учун ҳам қатта нархлар қўйиб олаётган экан. Тўйхоналарнинг қўпи хусусий, бунга эътироз йўқ. Лекин бу тўйхо-на эгаси хоҳлаган нархини белги-

лаш имконига эга, дегани эмас-ку! Шундай экан, тўйхоналарда нархлар қандай асосда белгиланаётгани бўйича жамоатчилик назоратини ку-чайтириш зарур.

Айрим тўйхоналарнинг эгаси кўпроқ маблаг топиш учун тўй қилувчи билан келишган ҳолда, 50 — 100 на-фаргача одам учун жой тайёрлапти. Бу борада зиммасига вазифа юк-латилган ташкилотлар ишлаши, ҳар бир ҳудудга кириб бориши керак. Узоққа бормайлик, шу кунларда пойтахти-мизда 100 кишилик тўй-маросимлар ўтаётганини эшитаямиз. Масъул ташкилотлар қаёққа қараётми?..

Тўйларнинг қатталашиб бораёт-гани хонандаю ўртақашлар ҳам айб-дор, деб ўйлайман. Ҳозир тўйларда иштирок этувчи хонандаю созанда-ларнинг сони чекланганига қарамай, бунга ҳам амал қилинмапти. Тўйда қарнай-сурнайчилардан ташқари, бир гуруҳ хонандалар набатчилик қиляп-ти. Тўй ўтказувчи ўзини кўрсатишга

ЖАРАЁН 3 Янгиликлар, ХАБАРЛАР, ВОҚЕАЛАР

Марказий Осиёдаги энг йирик шолини қайта ишлаш заводи Куйи Чирчикда қурилди. Айни пайтда ушбу йирик лойиҳа фойдаланишга топширилиш арафасида.

Шолини қайта ишлаш заводи қурилди

Айтиш жоизки, қиймати 25 миллиард сўмдан зиёдни ташкил этувчи “Шолини қайта ишлаш ва сақлаш мажмуаси” “TCT Cluster” кластери томо-нидан барпо этилди. Натижа-да “TCT Rice” шолчилик клас-терида тўлиқ саноат “занжи-ри” яратилди.

Завод Куйи Чирчик туман-идаги “Сурум” МФЙ ҳуду-

дида жойлашган. Унинг би-ринчи босқичида мавсум да-вомида 25 минг тоннадан 40 минг тоннагача шолини куриштиш ва қайта ишлаш имконияти яратилди. Ҳозир мажмуа ҳудуди ободонлаш-тирилиб, корхона деярли тай-ёр ҳолга келтирилди.

31 йиллик муаммо ечим топди



Шаҳрихон туманидаги Карнайчи маҳалласида 66-умумтаълим мактаби биносининг қурилиши 1989 йилда бошланган эди. Айрим сабабларга кўра, бунёдкорлик ишлари тўхтаб қолганди. Бу орада маҳалла ёшлари 39-мактабгача таълим ташкилоти биносида фаолият юритаётган 8-умумтаълим мактаби филиалига қатнашга мажбур бўлишди.

— Бу муаммо ниҳоят 31 йил дегадда, ижобий ечим топди, — дейди “Карнайчи” МФЙда истикомат қилувчи уй бекаси Санобар Дониёрова. — Вило-ят ҳокимлиги ташаббуси билан фарзандларимиз янги би-нода таҳсил оладиган бўлди. Энг муҳими, уларнинг Тошкент — Андижон — Ўш магистраль йўлидан мактабга қатнашла-ридаги хавотиримиз ҳам орт-да қолди.

Ёшлар учун муқим иш жойлари

Фориш тумани ҳокимлиги ташаббуси билан олий таълим муассасаларини битирган, бугунги кунда ишсиз юрган, боқувчисини йўқотган ва кам таъминланган оилалардаги ёшлар билан учрашув бўлиб ўтди.

Унда сўз олган туман ҳокими Абдували Мустанов юртимизда аёллар ва ёшларнинг бандлигини таъ-минлаш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилаётга-ни, хусусан, “ёшлар дафта-ри” ҳамда “аёллар дафтари”-ни ташкил қилиш борасида-ги ишлар ана шу савй-ҳара-катларнинг бири эканини қайд этди.

— Жиззах политехника институтини автойўл қурили-ши мутахассислиги соҳаси бўйича битирганимга бир неча йил бўлди, бироқ ҳали тайинли иш ўрнига эга эмасдим, — дейди туманинг Нарвон маҳалласида яшов-чи Адҳам Йўлдошев. — Шу-

нинг учун ҳудудда ёшлар би-лан очик мулоқот ўтказила-ётганини эшитиб, тадбирда қатнашдим. Мурожаатим эътиборсиз қолмади, яъни туман автомобил йўллардан фойдаланиш унитар корхона-сига ишга жойлашдим.

Олий таълим муассасала-рини битирган яна ўнлаб ёшлар ҳам ўз мутахассис-ликлари бўйича ишга жой-лаштириладиган, боқувчиси-ни йўқотган оилалардаги 8 нафар ёш эса туман банд-ликка кўмаклашиш маркази томонидан тикувчилик ҳамда тўқувчилик касбларига ўқити-ладиган бўлди.

Толибжон ЭРҒАШЕВ
(«Халқ сўзи»).

уруниш, мақтаниш учун 4-5 нафар “юлдузча”ларни ҳам чақиряпти. Бу нафақат ортиқча харажат, балки тўйга келувчилар, қизиқувчилар сони ортишига ҳам сабаб бўлмоқда.

Яна бир муаммо — бизда тўйхо-наларнинг ҳаддан ташқари қатта қурилганда, деб биламан. Эҳтимол, бундан кейин тўйхона куриш учун рўқсат беришда уларни чекланган ўрин ва чекланган ҳажмда бўлишига эътибор қаратиш лозимдир?

Энг муҳими, бир нарсани унут-майлик, қатта тўй ўтказиш мадания-ят, бойлик белгиси эмас, аксинча, маънавий қашшоқлик белгисидир. Афсуски, оилаларнинг дарз кетиш ҳолатлари, яъни ажримлар кўп куза-тилаётганининг сабабларидан бири ҳам шу аслида. Ана шундай муам-моларнинг олдини олиш, доимий ту-шунтириш ишларини олиб бориш, камҳарж тўй қилганларни, шунга ра-бат билдирган ёшларни намунали оила сифатида тарғиб қилишимиз зарур.

Дилором ИМОМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
ЎзХДП фракцияси аъзоси.

Фискал институт:

УЧИНЧИ РЕНЕССАНСНИНГ ТАМАЛ ТОШИ



Негаки, камолотнинг асоси — таълим-тарбия. Мактаб-гача, мактаб ва ўрта-махсус таълим натижаси тўлақонли бўй кўрсатиши эса навбатдаги босқич — олий таълим сифати ва самарадорлигига боғлиқ. Зеро, ҳозирги глобаллашув шароитида замонавий билим ва кўникмаларга эга, профессионал ва рақобатдош мутахассислар тайёрлаш тобора стратегик аҳамият касб этаётди.

Ҳўш, Президентимизнинг юқоридаги қарори бу борада қандай устувор мақсадларни кўзда тутади?

Кадрлар тайёрлашнинг инновацион ечими

Молия ва солиқ соҳаси кадрлари — иқтисодиётимизни ҳаракатлантирувчи асосий куч.

Бироқ ўтаётган ҳар кунимиз янгилаштирилган бой. Ҳар жаҳонга инновациялар жадал кириб келмоқда. Демак, соҳа вакиллари билим ва салоҳияти ҳам шунга мос бўлиши шарт! Бунинг учун кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва улар-

Тегишли фанлар бўйича янги авлод дарсликлари ва ўқув қўлланмаларини тайёрлашнинг комплекс дастури ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилади.

Келажақ сценарийлари қандай тузилади?

Халқимизда “етти ўлчаб, бир кес” деган нақл бор. Аммо ҳозирги тез ўзгаришчан даврда кўплаб масалалар, ҳусусан, Давлат бюджетни маблағларини оқилана сарфлашда етти эмас, балки етмиш марта ўлчаш ҳам кам. Қолаверса, бундай пухта ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун чуқур ва тизимли таҳлил қила олиш маҳорати ҳамда салоҳияти талаб этилади. Бунга эришиш учун замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, интернет имкониятларидан самарали фойдалана оладиган кадрларни тайёрлаш керак. Аммо, афсуски, баъзи мутахассисларимизда айтиш шундай сифат кўрсаткичлари етишмайди. Фискал дастур ва лойиҳалар эса мурраккаб ечимларни топишни та-

соҳада муқобил қарорларни танлаш ўртача иқтисодий кўрсаткичлар (ўртача фойда, ўртача даромад, ўртача харажат)га таяниб эмас, балки сўнгги ижтимоий самара (marginal social benefit, marginal social), аҳоли фаровонлигини ифодалайдиган кўрсаткич ва мезонлар асосида амалга оширилиши зарур. Бозор иқтисодиёти қонуниятларини ўргатадиган ва амалда қўллашга хизмат қиладиган айнан шундай илгор амалиётлар фискал институтда ўқитилади.

Кредит-модуль тизими нима учун керак?

Кредит-модуль тизимининг афзалликлари бисёр. Бу ҳақда матбуотда кенг ёритилган. Биз эса унинг қуйидаги жиҳатларига тўхталмоқчимиз.

Мазкур тизим қўлланилганда, модулни ўрганишга сарфланмаган ўқув соатлари нисбати амалий машғулотлар ва мустақил таълим учун оптимал тақсимланади. Хорижий мамлакатлар университетлари билан қўшма дастурлар ташкил этиш, талабалар алмашиш ва олий таълим дипломлари учун ўзаро тан олиш жараёнини осонлаштиради. Яна бир муҳим жиҳати, кадрлар тайёрлашда босқичли ёндашувни қўллашга хизмат қилади.

Модульлар соҳага алоқадорлиги ва кетма-кетлиги бўйича яхши тақсимланган. Талаба турт йиллик таҳсил давомида худди пиллапоёллардан қадам-қадам юқори-лағандек, модульлар мурраккаблигига мослашиб боради. Босқичлар оралиғидаги модульлар контентида такрорлаш ўз берамайди, дарс берувчи устозлар маъруза матнини ва ўқув материалларини тузишда, албатта, қайси босқичда дарс бераётганига катта эътибор қаратади. Жумладан, қуйи босқичда модульдаги иборалар, таърифлар, қонуниятларга эътибор қаратилса, кейинги босқичларда талабанин уларни қўллаш маҳоратига, танқидий фикрлашга ургу берилади. Сўнгги босқичда эса ўзи томонидан ишланма ва фойдаланишга аҳамият берилиб, пировардида мутахассис мустақил ишлаш ва ҳаётга тайёр бўлади. Бу хориж университетларида оддий ҳолатга айланган.

Кредит-модуль тизимида олий ўқув юртининг ташкилий тузилиши ҳам ўзгара бўлади. Устозлар, ахборот марказлари, кутубхона ва бошқа ҳодимларнинг асосий мақсади таълим-тарбия жараёнига, таълим олувчиларга қўлайлик яратиш, ўқилиш сифатини оширишга қаратилади.

Пуч ваъдалар ошқор бўлади

Янги ташкил этилган институт фаолиятини самарали йўлга қўйишда хорижий мамлакатлар (Буюк Британия, АҚШ, Россия Федерацияси ва бошқалар) таърибасини ўрганиш муҳим ва шарт. Бунинг натижасида фискал институтларнинг иқтисодий ва ижтимоий сиёсатини олиб боришга қўшадиган ҳиссаси ва инсонлар турмуши, оиласи, бизнеси ҳамда давлат иқтисодиётига таъсири аниқланади. Масалан, Англияда COVID-19 аҳоли иқтимоий таъминотида қандай таъсир кўрсатади, истиқболда бу тизимда қандай ўзгаришлар бўлиши мумкин?

Фискал тадқиқотлар институтининг яна бир афзаллиги унинг мустақиллиги ва ҳолислигидир. Сайловларга тайёргарлик жараёнида партиялар ўз сиёсий дастурлари, манифестлари платформасини эълон қилишди. Қўлгина ташкилотлар, жумладан, прогрессив иқтисодий форум (ПРЕ) фискал институтга ўз сиёсатини эксперт баҳолаши учун тақдим этиди. Бу институтнинг партия манифестлари, номзодлар сайловолди дастурлари ва ваъдалари юзасидан берган ҳолис баҳори ҳамда ахборот базаси дебату тортишувларга олиб келади. Ўз навбатида, сайловчиларга мақбул йўлни танлашларига хизмат қилад. Институт сиёсий партиялар, компаниялар ва гуруҳлар таъсиридан холи бўлгани боис янгилиш қарорлар ва пуч ваъдаларни фож қилишда ташаббусни ўз қўлига олади.

Фискал институт тадқиқотлари учун муҳим жиҳати бўйича ақралиб туради: жараён ёки ҳолатнинг объектив таҳлили, мурраккаб қарорларни тушуниш ва баҳолашга инструментлар яратиш ва сиёсий партиялар платформаларини баҳолаш.

Лондонда жойлашган Фискал тадқиқотлар институти 1969 йилда ташкил топган бўлиб, Буюк Британия солиқ ва давлат сиёсати соҳасида академик ва фискал сиёсатга оид тадқиқотларни амалга оширади. Институтнинг мақсади иқтисодий муаммолар, жумладан, самарали солиқ ва бюджет сиёсатини ишлаб чиқишга йўналтирилган ижтимоий дебатлар, фикр-мулоҳаза ва фикрлар чуқур тадқиқ этиш орқали ҳақоний ахборотлар беришдан иборат.

Пандемия даврида Ўзбекистонда глобал инқирозга қарши давлат дастури, ноҳор қорхоналар ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, қоронавирусга чалинган беморларни даволаш, эпидемиологик вазиятни яхшилаш, “темир дафтар”, “ёшлар дафтари” ва “аёллар дафтари”

сингари дастурларни лойиҳалаш ва амалга оширишда хорижий мамлакатлар фискал ишланмаларидан фойдаланиш мумкин. Бундай лойиҳаларни истиқболда давлат харажатлари ва уларнинг самарасини экспертиза қилиш ва баҳолашга қўдир фискал институт мутахассислари амалга оширади.

Бир сўмимиз 100 сўм бўлиб қайтсин, десак...

АҚШ, Буюк Британия, Япония, Жанубий Корея каби ривожланган мамлакатларда таълим тизимига сарфланган бир сўм маблаг 13 — 15 баробар, Сингапурда эса юз баробардан зиёд наф келтирар экан. Аммо республикамизда бу кўрсаткич, афсуски, бор-йўғи турт баробарни ташкил этади.

Буни нима учун эсладик? Чунки Давлат бюжети тақсимооти лойиҳаларини тузишда унинг қанча қисмини таълимга, қанчасини соғлиқни сақлашга, қанчасини муҳофафза ҳамда қанчасини ижтимоий ҳимоя ва ҳоказоларга сарфлаш муаммоси юзага келади. Бундай қарорларни қабул қилишда мустақил фискал институт вакилларининг ҳолис экспертиси ва ҳулосаси муҳракмаю дебатларнинг самарали бўлишига, маблаглар тежамли сарфланишига асос бўлади. Агар қарорлар яхши асосланмаган бўлса, давлат маблаглари нотўғри ва самарасиз сарфланишига йўл қўйилади.

Мана, яқинда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Нигматилла Йўлдошев давлат маблагларининг мансабдорлар томонидан талон-торож қилиниши ҳусусида ахборот берди. Унинг таъкидлашича, мамлакатимизда кейинги икки йилда икки мингга яқин мансабдорлар давлатнинг икки триллион сўм миқдоридида маблагини талон-торож қилган. Бошқача айтганда, ҳар бир мансабдор давлатнинг ўртача бир миллиард сўм маблагини нотўғри сарфлаган ёки ўзлаштирган. Агар фискал соҳада компетентли мутахассислар ўз вақтида Давлат бюжети маблагларини соҳаларга муқобил тақсимлаб, компьютерлар ёрдамида унинг мунтазам мониторингини амалга оширгананда, бундай ноҳуш ҳолатлар келиб чиқиш эҳтимоли пайсанган бўлар эди.

Шунинг учун бу соҳада хорижий фискал



теъмолчилар ва индивидлар хатти-ҳаракатларига, қорхоналарнинг бизнес юртишига таъсирини ўрганади. Аналитик ҳисоботлари ва илмий мақолаларини етакчи халқаро журналларда чоп этиради.

Зотан Ўзбекистон фискал сиёсати стратегиясини ишлаб чиқиш ва жорий этиш Ватан равнақи ва халқ фаровонлигига хизмат қилад. Мустақил илмий тадқиқотлар ва экспертиза ёрдамида ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни ўрганиш ва улар бўйича мулоқот қилиш, ахборот ва билимларни тарқатиш ва айирбошлаш орқали фискал тизимдаги жорий солиқлар ва унга киритиладиган ўзгаришларнинг иқтисодий ривожланиш ва аҳоли турмуш даражасига таъсирини экспертиза қилиш орқали давлат маблагларининг самарали, яъни халқ фаровонлигига сарфланишига эришилади.

Рақобат — тараққиётни тезлаштирувчи омил

Баъзан давлатнинг қарзи, олтин-валюта захиралари, озиқ-овқат хавфсизлиги ва уларга шаклландириган нархлар ҳақидаги мавзулар ижтимоий тармоқлар ва оммавий ахборот воситаларида қизғин муҳокамаларга сабаб бўлади. Айниқса, кейинги йилларда бунга тез-тез ғувох бўляпмиз.

Аммо ана шу баҳсу мунозараларни кузатиб, уларнинг иштирокчилари масала бир томонлама ёндашувнинг кузатишимиз мумкин. Нега шундай? Чунки уларнинг қўлида тизимли ахборот, яъни фискал институт мутахассисларининг тўлақонли таҳлили, ҳолис экспертиза баҳори йўқ.

Яна бир ҳаётий ҳақиқат: рақобат ва инновация — тараққиётни тезлаштирувчи омиллар. Негаки, инсоният рақобат бор жойда инновациялар, яъни гоя ва ишланмалар яратишга мойил бўлади. Бироқ ин-

Ўзбекистон фискал сиёсати стратегиясини ишлаб чиқиш ва жорий этиш Ватан равнақи ва халқ фаровонлигига хизмат қилад. Мустақил илмий тадқиқотлар ва экспертиза ёрдамида ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни ўрганиш ва улар бўйича мулоқот қилиш, ахборот ва билимларни тарқатиш ва айирбошлаш орқали фискал тизимдаги жорий солиқлар ва унга киритиладиган ўзгаришларнинг иқтисодий ривожланиш ва аҳоли турмуш даражасига таъсирини экспертиза қилиш орқали давлат маблагларининг самарали, яъни халқ фаровонлигига сарфланишига эришилади.



институтларнинг кадрлар тайёрлаш тизимидида илгор таърибасини ўрганиш ва ҳаётга таътиқ этиш давр талабига айланмоқда.

Масалан, Лондондаги Фискал сиёсат институти давлат молиясига ва харажатлар, пенсия таъминоти ва жамағарлиш, компания ва қорхоналарни солиққа тортиш ҳамда истеъмолчиларнинг бозордаги хатти-ҳаракати, камбағаллик ва даромад тенгсизлиги йўналишларида илмий тадқиқотлар олиб боради. Бундан ташқари, конференция, симпозиум, семинар ва тренинглар ташкил этади. Замонавий моделлаштириш усулларини ишлаб чиқиш ва қўллаш орқали сиёсий ва ижтимоий чора-тадбирларнинг ўй ҳўжаликлари, ис-

новация яратилишига стандартлар тўқунлик қилад.

Шунинг учун ҳозирги даврда қорхона-ни, ташкилотни ёки вазириликни, қаерда бўлмасин, ишга янгича ёндашув муҳим заруратга айланимоқда. Фискал институтнинг молиявий, академик ва илмий тадқиқот соҳасидаги мустақиллиги жаҳон андозларига ва юқориди талабларга мос кадрлар тайёрлаш кафолатидир.

Нихоят, ЎХ ҳисра инновациялар стандартлаштиришни сиқиб чиқармоқда, улар, швед олимлари таъбири билан айтганда, гўёки эрталабдаги “қўздан чиқиб кетган жин” мисоли турмуш тарзимиз, ижтимоий ва иқтисодий жараёнларга тобора кенгрок кириб борапти.

Шу маънода, Фискал институтнинг ташкил этилиши учинчи Ренессанснинг пойдеворини яратишга қаратилган стратегияларнинг тамал тошидир. Чунки фискал соҳада тайёрланмаган кадрлар молия ва солиқ ташкилотларидаги фаол иштироки орқали ижтимоий-иқтисодий ривожланишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади. Бинобарин, Давлат бюжети маблагларининг мақсади сарфланишига қўмаклашади.

Турсун ШОДИЕВ,
Тошкент халқаро Вестминстер университети ҳузуридаги ЮНЕСКОнинг Билимлар иқтисодиёти кафедраси муdiri,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор,
«Фидокорона хизматлари учун» ордени соҳиб.

нинг малакасини оширишнинг замонавий тизимини яратиш тақозо этилаётган. Айни шу вазифалар ижроси янги ташкил этилган Фискал институт зиммасига юклатилди.

Яна бир эътиборли жиҳати, ҳужжатга кўра, солиққа тортиш ва молиявий нозорат соҳалари учун бакалаврият ва магистратура йўналишлари бўйича кадрлар кредит-модуль тизими асосида тайёрланади. Қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ишларини тақомиллаштириш, бу жараёнда хорижий давлатларнинг солиқ органлари ва ўқув муассасалари билан таъриба алмашишни кенгайтириш, қўшма таълим дастурларини амалга ошириш, ўқув-таълим жараёнига хорижий олимлар ва мутахассисларни фаол жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилади. Бундан ташқари, бу ерда етишиб чиқадиган мутахассислар илгор ахборот-коммуникация технологиялари ва автоматлаштирилган таҳлил услублари билан ишлаш кўникмасига эга бўлишлари жойиз. Таълим даргоҳида фундаментал илмий тадқиқотлар олиб бориш натижасида инновацион лойиҳаларни жорий этишни кенгайтириш ҳам кўзда тутилган.

Қарорга биноан, институт солиқлар ва солиққа тортиш соҳаси учун олий маълумотли мутахассислар ҳамда илмий кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича таянч олий таълим муассасаси қилиб белгиланган.

Талаба бўлажак иш жойида ўқийди!

Факат аудиторидида ўтириб, маърузалар тинглаш билан талаба билимли бўлиб қолмайди. Назария ва амалиёт ўй-ғўнлигида гап қўп.

Шу боис институтда бакалаврият таълим йўналишларининг битирувчи босқич талабалари учун таълим жараёнини бевосита солиқ органлари маъмурий биноларида ташкил қилиш белгиланган. Қолаверса, институтда кадрларни тайёрлашга буюртма шакллантиришнинг янгича тартиби жорий этилади.

Ўқилиш жараёни ҳам анъанавий дарслардан анчайин фарқ қилад. Бунинг учун халқаро эътироф этилган ташкилотлар — “Quacquarelli Symonds World University Rankings”, “Times Higher Education” ва “Academic Ranking of World Universities” рейтингларининг барчасида етакчи ўринларни эгаллаган олий ўқув юртилари таълим дастурларидан фойдаланилади.

қозо этади. Шунинг учун ҳужжатда хорижий тилларни пухта биладиган ва АКТни яхши қўллаш оладиган юқори малакали мутахассисларни етиштириш устувор вазифа этиб белгиланган. Бинобарин, қарорда талабаларда тизимли таҳлил маҳоратини шакллантириш зарурати таъкидланган ва бу чуқур маънога эга. Негаки, бундай маҳорат фискал мурраккаб муаммоларни компьютер ёрдамида таҳлил қилиб ҳал этиш жараёнини ангатади. У уч босқичда амалга оширилади. Дедуктив (умумий-лиқидан ҳусусийликка ўтиш) ёндашув асосида биринчи босқичда натижавий кўрсаткичга таъсир этувчи омиллар ва уларнинг натижага мутлақ ва нисбий таъсири таҳлил этилади. Иккинчи босқичда жараёнини моделлаштириш асосида синтезлаш, умумий ҳулоса қилиш амалиётлари бажарилади. Мазкур босқич замонавий эконометрик усуллар ва дастурий инструментлар (“Big data”, “Data analysis”, “Stata” ёки “Eviews” дастурлари) қўлланишини тақозо этади. Учинчи босқичда ўрганилаётган фискал лойиҳа ёки дастурлардан қўтиллаётган натижалар прогноз қилинади.

Хорижий мамлакатлар фискал сиёсат намояндалари Давлат бюджетига солиқ ва тушумларни йиғиш ва уларни сарфлашга тизимли ёндашиб, мурраккаб қарорлар қабул қилишда айнан юқорида келтирилган “Data Analysis”, “Big Data” дастурларидан фойдаланадилар. Шу аснода самарасиз бўлган лойиҳалар рад этилади. Бундай тизимли қарорлар қабул қилиш беш босқичда амалга оширилади: муаммони аниқлаш, муаммони ҳал этишнинг муқобил ечимларини ифодалаш, лойиҳани амалга оширишга қўйилган иқтисодий ва ижтимоий мақсаднинг мезонини белгилаш, қўп вариантлардан муқобиллини танлаш ва жорий этиш. Нихоят компьютерда дастур ва алгоритм ёрдамида келажақдаги сценарийлар тузилади ва ундан энг самарали битта ечим топилади.

Агар лойиҳани бажариш жараёнида вазият ва омиллар ўзгарса, компьютерда тезкор равишда қабул қилинган қарор ёки лойиҳага тузатишлар киритилади. Бу эса унга ажратилган давлат маблагларининг манзилли ва тежамли сарфланиш устидан доимо мониторинг қилишга имкон туғдиради, коррупция ҳолатларининг олди олинади. Лойиҳа ва дастурларни танлашда иқтисодий ва ижтимоий мезонларни қўллаш керак бўлади. Бозор иқтисодиётида фискал

Тарғибот

«ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН — ЯНГИЧА ДУНЁҚАРАШ»

Мамлакатимиз бўйлаб старт олган “Янги Ўзбекистон — янгича дунёқараш” шиори остидаги тарғибот тадбирлари Наманганда ҳам уюшқоқлик билан бошланди.

— Юртимизда бўлаётган ўзгаришлар бизнинг худудимизни ҳам четлаб ўтгани йўқ, — дейди Наманган туманидаги “Тепа Қиёт” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Шўҳрат Назаров. — Бу, жумладан, маҳалла ободлиги, тадбиркорлик ривож, ёшларга эътибор, умуман, барча соҳада намоён бўляпти. Бугунги тадбирга йиғилган 250 нафардан зиёд маҳалладошларимиз кенг қамровли маърузалар орқали юртимиздаги ишловотлардан янада кўпроқ маълумотларга эга бўлди. Фарзандлари олий ўқув юртиларга кирган бир қатор ота-оналар, нуфузли спорт муسابақалари ғолиби бўлган ёшлар, беш ташаббус ҳаракатининг фаол иш-

тирокчиларига туман ҳокимлигининг ташаққурномаси ва эсдалик совғалар топширилди. Ҳўнармандлар кўргазмаси, спорт ўйинлари уюштирилгани, танқили санъаткорларнинг қуй-қўшқилари эса маҳалладошларимиз кўнглини яйратди. Ўн кун давомида вилоят маҳаллаларида илм-фан вакиллари, танқили маданият арбоблари, ёзувчи ва шорирлар, эл суйган хонандалар билан учрашувлар, концертлар, китобхонлик кечалари, турли қўшмақлар ҳамда маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилади.

Қудратилла
НАЖМИДИНОВ
(«Халқ сўзи»).

ЭЪЛОН

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ

қуйидаги кафедралар бўйича лавозимларга танлов эълон қилад:

- Халқ чолғуларида ижрочилик кафедраси: профессор — 2 ўрин, доцент, катта ўқитувчи — 2 ўрин;
- Камер мусикаси кафедраси: доцент, катта ўқитувчи;
- Торли чолғулар кафедраси: доцент — 2 ўрин;
- Эстрада чолғу ижрочилиги кафедраси: доцент, катта ўқитувчи;
- Композиторлик ва чолғулаштириш кафедраси: доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи;
- Академик хор дирижёрлиги кафедраси: доцент, катта ўқитувчи;
- Пуфлама ва зарбли чолғулар кафедраси: катта ўқитувчи — 2 ўрин;
- Ўзбек мусикаси тарихи кафедраси: катта ўқитувчи, ўқитувчи;
- Мусика тарихи ва танқиди кафедраси: катта ўқитувчи;
- Эстрада хонандалиги кафедраси: катта ўқитувчи;
- Вокал ва чолғу ижрочилиги педагоглари тайёрлаш кафедраси: катта ўқитувчи — 2 ўрин;
- Умумий фортепиано кафедраси: катта ўқитувчи, ўқитувчи;
- Ижтимоий фанлар кафедраси: катта ўқитувчи.

Танловда иштирок этиш учун даъвогарлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилишлари лозим:
— ректор номига ариза;
— ҳодимлар шахсий варақаси;
— олий маълумот, илмий даражаси, илмий унвон ҳақида диплом ва аттестатларнинг нусхалари;
— ўқув-услубий, илмий тадқиқот ва илмий-ижодий ишлари рўйхати;
— мутахассислик бўйича охириги уч ўқув йилида малака оширилганлиги тўғрисидаги ғувҳона ва сертификатлар нусхаси.

Аризалар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида Ўзбекистон давлат консерваториясининг ҳодимлар бўлими томонидан қабул қилинади.

Манзил: 100027, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Олмазор кўчаси, 1-уй.

«Микрокредитбанк» Ўзбекистонда кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш учун «KDB Bank Uzbekistan» кредит линиясини жалб қилди



MIKROKREDITBANK

“Микрокредитбанк” республикадаги энг йирик ва барқарор ўсиб бораётган тижорат банкларида бири сифатида ижтимоий дастурларни амалга оширишда ҳамда кичик бизнесни қўллаб-қувватлашда фаол иштирок этиб келмоқда. Банк ва “KDB Bank Uzbekistan” ўртасида тузилган янги шартнома ҳам шундан далолат беради.

“KDB Bank Uzbekistan”-нинг янги кредит ресурслари “Микрокредитбанк”нинг Ўзбекистонда кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бўйича узоқ муддатли стратегиясининг асосий йўналишини амалга ошириш йўлидаги навбатдаги қадамдир.

5 миллион АҚШ долларини миқдорда жалб қилинган маблағлар “Микрокредитбанк” томонидан банк мавжуд бўлган ҳудудларда жойлашган кичик бизнесни қўллаб-қувватлашга йўналтирилади.

Банк ахборот хизмати.

Хизматлар лицензияланган.

Реклама ўрнида

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1156. 30 509 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоқи қилинган нарҳа.

Газетанин хандаги маълумотларни юқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.



“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Қорхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 01.40 Топширилди — 02.25 1 2 3 4 5 6